
"Қизилқум фосфорит комплекси" МЧЖнинг "Энг фаол инноватор аёли" аниқланди

// 05.02.2024
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/1163b144-53e6-4964-b5b6-fc56eb8b0283



“Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖда хотин-қизларнинг касблар ва ихтисосликларини чуқур ўрганишга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлаган “Энг фаол инноватор аёл” кўрик-танлови бўлиб ўтди.



Мазкур “Энг фаол инноватор аёл” кўрик-танлови учун жамият бўлим ва цехларида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг корхона иқтисодий самарадорлигини кўтарувчи ғоялари тақдим қилинди.

Иштирокчиларнинг лойиҳаларини баҳолашда ишларнинг ўзига хослиги ва долзарблигига эътибор қаратилди.



Танлов якунига кўра,

- биринчи ўринга Кадрлар бўлими муҳандиси Гулноза Ачилованинг лойиҳаси;
- иккинчи ўринга Хўжалик ишлари бўлими ходимаси Мохира Хамраева лойиҳаси;
- учинчи ўринга эса Ишлаб чиқариш техник бўлими мутахассиси Уракова Барно лойиҳаси муносиб деб топилди.


Мечта
Все начинается с мечты!
Сделано в России
10л


SALOHIYATI,
YUKSAK
MA'NAVIYATI BILAN
QUDRATLIDIR.
BS-888
5in1
3.5L
10л



Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

"Қизилқум фосфорит комплекси" МЧЖ Матбуот хизмати